

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

2-2021

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

FarDU. ILMIY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК.ФЕРГУ

Муассис: Фаргона давлат университети.

«FarDU. ILMIY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК.

ФерГУ» журнали бир йилда олти марта чоп этилади.

Журнал филология, кимё ҳамда тарих фанлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журналдан мақола кўчириб босилганда, манба кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 2 сентябрда 1109 рақами билан рўйхатга олинган.

Муқова дизайни ва оригинал макет FarDU таҳририят-нашиёт бўлимида тайёрланди.

Таҳририят ҳайъати

**Бош муҳаррир
Масъул муҳаррир**

МАКСУДОВ Р.Х.
ЎРИНОВ А.А.

ФАРМОНОВ Ш. (Ўзбекистон)

БЕЗГУЛОВА О.С. (Россия)

РАШИДОВА С. (Ўзбекистон)

ВАЛИ САВАШ ЙЕЛЕК. (Турция)

ЗАЙНОБИДДИНОВ С. (Ўзбекистон)

JEHAN SHAHZADAH NAYYAR. (Япония)

LEEDONG WOOK. (Жанубий Корея)

АЪЗАМОВ А. (Ўзбекистон)

КЛАУС ХАЙНСГЕН. (Германия)

БАХОДИРХОНОВ К. (Ўзбекистон)

ҒУЛОМОВ С.С. (Ўзбекистон)

БЕРДЫШЕВ А.С. (Қозғистон)

КАРИМОВ Н.Ф. (Ўзбекистон)

ЧЕСТМИР ШТУКА. (Словакия)

ТОЖИБОЕВ К. (Ўзбекистон)

Таҳририят кенгаши

ҚОРАБОЕВ М. (Ўзбекистон)

ОТАЖОНОВ С. (Ўзбекистон)

ЎРИНОВ А.Қ. (Ўзбекистон)

РАСУЛОВ Р. (Ўзбекистон)

ОНАРҚУЛОВ К. (Ўзбекистон)

ГАЗИЕВ Қ. (Ўзбекистон)

ЮЛДАШЕВ Г. (Ўзбекистон)

ХОМИДОВ Ф. (Ўзбекистон)

АСҚАРОВ И. (Ўзбекистон)

ИБРАГИМОВ А. (Ўзбекистон)

ИСАҒАЛИЕВ М. (Ўзбекистон)

ҚЎЗИЕВ Р. (Ўзбекистон)

ХИКМАТОВ Ф. (Ўзбекистон)

АҲМАДАЛИЕВ Ю. (Ўзбекистон)

СОЛИЖНОВ Й. (Ўзбекистон)

МАМАЖНОВ А. (Ўзбекистон)

ИСОҚОВ Э. (Ўзбекистон)

ИСКАНДАРОВА Ш. (Ўзбекистон)

МҮМИНОВ С. (Ўзбекистон)

ЖЎРАЕВ Х. (Ўзбекистон)

КАСИМОВ А. (Ўзбекистон)

САБИРДИНОВ А. (Ўзбекистон)

ХОШИМОВА Н. (Ўзбекистон)

ФОФУРОВ А. (Ўзбекистон)

АДҲАМОВ М. (Ўзбекистон)

ХОНКЕЛДИЕВ Ш. (Ўзбекистон)

ЭГАМБЕРДИЕВА Т. (Ўзбекистон)

ИСОМИДДИНОВ М. (Ўзбекистон)

УСМОНОВ Б. (Ўзбекистон)

АШИРОВ А. (Ўзбекистон)

МАМАТОВ М. (Ўзбекистон)

ХАКИМОВ Н. (Ўзбекистон)

БАРАТОВ М. (Ўзбекистон)

Муҳаррир:

Ташматова Т.

Жўрабоева Г.

Мусахҳиҳлар:

Шералиева Ж.

Мамаджонова М.

Таҳририят манзили:

150100, Фаргона шаҳри, Мураббийлар қўчаси, 19-үй.

Тел.: (0373) 244-44-57. Мобил тел.: (+99891) 670-74-60

Сайт: www.fdu.uz

Босишига руҳсат этилди: 02.07.2021

Қоғоз бичими: 60×84 1/8

Босма табоғи:

Офсет босма: Офсет қоғози.

Адади: 50 нусха

Буюртма № 49

ФарДУ нусха кўпайтириш бўлимида чоп этилди.

Манзил: 150100, Фаргона ш., Мураббийлар қўчаси, 19-үй.

Фаргона,
2021.

М.Умурзақова	
Туркистанда ягона қишлоқ хўжалиги солигининг жорий этилиши: муаммолар ва ечим	167
Ҳ.Жўраев, Ҳ.Мадазимов	
Образли ибтидоий тасаввурлардаги муштарак жиҳатлар	170
М.Юсупова	
Ўзбек шеъриятида Навоий образи	172
Ю.Каримова	
“Лисонут-тайр” достонида фольклор анъаналари.....	175
М.Омонова	
Эркин Самандарнинг “Тангри қудуғи” тарихий романида анъанавий мотив ва тимсолларнинг ўрни.....	179
Ҳ.Раҳматжонова	
Сатирада ижтимоий руҳ ифодаси	182
Ш.Каримова	
Девин Девис – шарқ адабиёти тадқиқотчisi.....	184
С.Олимжонов	
Роман поэтикаси ҳақида баъзи қарашлар (Улуғбек Ҳамдам ва Эрих Мария Ремарк романлари мисолида).....	187
Д.Юлдашева	
Болалар шеърий матнларида мазмуний перцепциянинг ифодаланиши	191
Н.Умарова	
Навоий кўллаган рўмол тушунчали сўзлар этимони	194
И.Хабибжонов	
Форс-тоҷик тилидан ўзлаштирилган солиқ-божхона терминлари.....	197
А.Зинатуллина	
Ўзбек ва француз тилларида мураккаб гаплар ва уларнинг хусусиятлари	200
Н.Сабирова	
Социолингвистик тадқиқотлар ва уларнинг ривожланиш босқичлари	203
Д.Газиева, М.Қушматова	
Иборашунослик нуқтаи назаридан маданиятлараро ўзаро тушуниш хусусида.....	208
И.Деҳқонов	
Француз, ўзбек ва рус тилларида содда нутқнинг қиёсий тахлили: таржимада лексик эквивалент топиш муаммоси	212
Д.Махаметова	
Хорижий тилни ўргатишда инновацион технологиялар	215
Х.Марипова	
Немис тилида фразеологик бирликларнинг миллий-маданий хусусиятлари ва уларнинг синонимларини ўзбек тилида берилиши	219
Г.Сайдалиева	
Тилшуносликда абсолют синонимларнинг ўрни.....	222
С.Юлдашев	
Замонавий таълим тизими ва унинг омиллари	226
Ж.Оришев	
Таълим жараёнида лойиҳали таълим усулидан фойдаланиш афзалликлари	228
Ш.Арипов	
Ўғил болаларни оиласвий муносабатларга тайёрлашда мактаб, маҳалла ва ота- оналар ҳамкорлиги.....	232
Н.Хошимова	
Гендер тили тадқиқида фалсафий қарашлар.....	236
А.Мухиддинов	
Тилнинг семантик майдонини когнитив тилшунослик доирасида талқин этилиши	239
ФАНИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ	
ИЛМГА БАХШИДА УМР	243

**БОЛАЛАР ШЕЪРИЙ МАТНЛАРИДА МАЗМУНИЙ ПЕРЦЕПЦИЯНИНГ ИФОДАЛАНИШИ
ВЫРАЖЕНИЕ СМЫСЛОВОЙ ПЕРЦЕПЦИИ В ДЕТСКИХ ПОЭТИЧЕСКИХ ТЕКСТАХ**

EXPRESSION OF SEMANTIC PERCEPTION IN CHILDREN'S POETIC TEXTS

Юлдашева Диляфруз Махамадалиевна¹

¹Юлдашева Диляфруз Махамадалиевна

— Фарғона давлат университети, филология фанлари номзоди, доцент.

Аннотация

Мазкур мақолада А.Обиджон, А.Акбарнинг айрим болаларга бағишиланган шеърларидағи мазмуний перцепция болаларга хос гностик ҳиссиётини ифодалагани мисоллар орқали тадқиқ этилган.

Annotation

В данной статье рассматривается семантическое восприятие в стихах А. Обиджона, А. Акбара, посвященных некоторым детям; примерах исследуется присущее детям гностическое чувство.

Annotation

In this article, the semantic perception in the poems of A.Obidjon and A.Akbar dedicated to some children is studied through examples that express the Gnostic feeling peculiar to children.

Таянч сўз ва иборалар: матн, мазмуний перцепция, нутқий фаолият, гностик ҳиссиёт

Ключевые слова и выражения: текст, смысловое восприятие, речевая деятельность, гностическое чувство

Keywords and expressions: text, semantic perception, speech activity, gnostic feeling.

Бадиий матн яратувчиси бирор объект ҳақида сўз юритар экан, юқорида тилга олинган вербал тармоқ қонуни кўп ҳолларда матннинг ташки тузилишида ўз ифодасини топади. Масалан, ўзбек шоирлари шеърларида қўлланган Ошқовоқ полвон, мулла Бақлажон, уйқучироқ бир Тарвуз (А.Обиджон), қорачиққа синган чеҳралар (С.Барноев) каби бирикмалар бунга мисол бўла олади. Бу бирикмалар таркибидаги сўзлар ўз луғавий маъносидан кенгроқ тушунчани ифодалаб келади.

“Реал нутқий фаолият, – деб ёзади Е.С.Кубрякова, – ўзида шундай континуумни намоён этадики, унинг бир қутбида стереотип, клишеланган ва деярли автоматик равишда ҳосил бўлувчи нутқ ҳосил бўлади... Бу фаолиятнинг иккинчи қутбида эса новаторлик, ижод, маълум тўсиқлар чегарасини бузиш, неологизмлар яратиш ва ҳоказоларни кўриш мумкин”[1]. Олим бунда “... нутқ предмети сифатида шаклланувчи бу мазмун инсон миясида қандай тайёрланиши”ни текширишни энг муҳим вазифа сифатида қайд этади[1].

Боланинг нутқий фаолиятини юзага келтирувчи омиллар “эмоционал мулоқотга эҳтиёжмандлик”(К.Обуховский) асосида пайдо бўлади, яъни машҳур психолингвист Н.И.Жинкин томонидан қайд этилган

универсал предмет кодларининг оралиқ тил босқичига ўтиши натижасида ҳар бир шахс нутқий тафаккури ўзига хос тарзда воқеланади.

Француз тадқиқотчиси Серлнинг фикрича, “умуман олганда, инсон айтмоқчи бўлган ҳар қандай фикрини аниқ ва тўлиқ ифодалай олиш имкониятига эга[2]. Шундай бўлса-да, имплицитлик нутқий коммуникациянинг муҳим хусусиятларидан бири бўлиб келган. Айниқса, бу хусусият бадиий матн, хусусан, шеърий матн семантикасида яққол намоён бўлади. Бадиий нутқни таҳлил этган кўплаб тадқиқотчиларнинг хуносасига кўра, матнда ифодаланган фикр қанчалик яширин бўлса, у шунчалик таъсир кучига эга бўлади [3].

Психологларнинг таъкидлашича, ҳиссиётларни бир неча турга ажратиш мумкин. Болалар ҳаётида гностик ҳиссиётлар етакчилик қиласи[4]. Шу боис болаларга хос оғзаки ва ёзма матнларда ахборотни узатиш вазифаси устуворлигини сезиш мумкин. Л.С.Виготскийнинг сўзни фикрлаш феномени сифатида баҳолашини ҳисобга олсан, болаларнинг бадиий адабиётида атроф-муҳитдаги воқеликлар катталар ёрдамида муайян сўзлар орқали идрок этилади. Болаларнинг фикрлаши кўргазмали таъсирчан ва кўргазмали

образли тарзда бўлади, шу боис болалар шеъриятида имплицитлик хусусиятидан кўра очиқлик, эксплицитлик мавжудлигини кўриш мумкин.[5]

Масалан, А.Обиджоннинг “Сабзи”, “Тарвуз”, “Урик”, “Саримсоқпиёз” каби шеърларида мева-сабзавотларнинг барча хусусиятлари образли таъсиран ёритиб берилади: *Юлқагина пўстим бор. Далада кўп дўстим бор.*

Топишмоқда ёзиқман: Ўша “Олтин қозик”ман.

Ётсам ерга қапишиб, Думгинамдан тортишиб,

Ташладилар Ўрага... Салом

Паловетўрага![6]

Шеърий матннаги олтин қозик перефразаси, *паловетўра* жонлантириши орқали болаларда образли тасаввур ҳосил қиласди. “Анжир” номли шеърда эса айни шу меванинг гули кўринмаслиги ва шифобахшлиги таъсиран ифодаланади:

Кечакундуз Ухламай Мева тугдим гулламай.

Мевам ўзи Гулчадир. Тилло рангли кулчадир.

Ғўдаймайман, Сипоман. Кўп дардларга Шифоман.

Мени еса Муталлиб, Юрмас эди Йўталиб. (А.Обиджон)

Таъкидлаш жоизки, гностик ҳиссиёт, яъни янги ахборотни билиш натижасида қоникиш ҳиссини тушиб болаларнинг инсон феноменидаги характерли хусусиятларидан бири саналади. Гностик ҳиссиётлар доимо янгиликни, янги ахборотни талаб этади[4]. Айниқса, оламни идрок эта бошлаган боланинг янгиликни ҳис этиши, ундан ажабланиш, ҳайратланиш туйғуси болаларга хос бўлган доимий ҳиссиётдир. Айни шу ҳиссиёт ўзбек болалар шеъриятида янгича йўналишларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Абдураҳмон Акбарнинг “Ўйқучининг тушлари” тўпламига кирган “Ўйин шеър”ида болаларга хос бўлган хусусият кичик ёшдаги бола сўзнинг маъноси, мазмун-моҳиятини аста-секин эгаллаши, болада тушунчалар асосида фикрлаш шаклланмаганлиги сабабли, у сўзни муайян нарса ва ҳодиса билан боғлашлиги кузатилади:

– Ўинг қаерда? – десам, –Дўмбирада, – деди у.

Елка қиссам, “ваҳ-ваҳ”лаб, Қулоғимни еди у.

– Дўмбира бу– дўмбира, Уни чалишар тўйда! –

Десам ҳам қотиб кулиб Мени қолдирди ўйда.

Кейин билсан, меҳмоннинг Гапи “ну”, “да” экан.

Манзили азим Тошкент, Қўйлиқ, дом№1 “а” экан. Юқорида келтирилган шеърий матндан кўринадики, гностик ҳиссиёт номаълум, яширин объектнинг моҳиятини англаш орқали маълум, таниш объектга хос белгиларни излаб топиш, кашф этишини тақозо этади. Гностик ҳиссиёт билиш жараёнининг кузатувчанлик босқичидаёқ пайдо бўлади. Бунга мисол сифатида Абдураҳмон Акбарнинг “Ишбилармон” ёмғирвой” шеърий матнини реципиентга ўзгача таъсирини кўрсатиш мумкин:

Баланд томли уй қурди Қўшнимиз Турсун ака.

Иморатин устига қоқди янги тунука.

Ёмғирвой бўлса яна очайн деб рангини,

Бир кун томни ювди-ю, Чиқарворди зангини[7].

Бунда ёмғирдан сўнг туниканинг занглаши гностик ҳиссиёт бўлса, Ёмғирвойнинг тиришқоқлиги эса болаларда ўзи хос ижобий кайфиятни ҳосил қиласди. Яна бир “Чўнтақдаги дарахт” номли шеър гностик ҳиссиятга таяниб яратилган.

Чўнтағимда дарахт бор, дея
Уртогига мактанаар Даэрон
Ажаб, Даэрон рост сўзласа ҳам
Лофингни қўй, дер кулиб Омон...
Бирозгина фикр қилинг, сиз,
Зеҳнингизни ишлатинг андак.
Шунда билиб оласиз шаксиз,
Даэронбойда борлигин данак [7].

Данакдан дарахт униб чиқиши, данакда дарахтнинг нишонаси борлиги, болаларда гностик ҳиссиётни уйғотиб, тасаввурларини кенгайтиради. Г.Г.Молчанова бадиий матннинг икки ўлчамли –эксплицит-имплицит тузилишга эга эканлигини эътироф этади. Гностик ҳиссиётни уйғотувчи бадиий матннинг икки ўлчамли бўлиши табиийдир. Болаларга хос оғзаки матн саналган топишмоқлар матни албатта икки ўлчамли бўлади. Бунда топилиши зарур бўлган нарса буюм имплицит тарзда, муҳим белгилари эса эксплицит ҳолатда ифодаланади. Имплицитлик хусусиятига эга бўлган бадиий матннинг эксплицит ифодага эга бўлган шундай матнга кўра ўқувчи ҳиссиётига кўпроқ таъсир этишини, бизнингча,

инсоннинг юқорида қайд этилган гностик эҳтиёжи билан изоҳлаш мумкин [9].

Имплицитлик ўқувчи шахсини матндаги яширин, концептуал фикрни англашга йўналтирувчи семантик ҳодиса экан, мутолаа жараёнида юзага келган мувофиқлик реципиент онгидага объектив воқеаликнинг бирор қисми ҳақида янгича муносабатнинг юзага келишига сабаб бўлади. Бунда реципиент муайян концепт моҳиятини тўғридан-тўғри эмас, муаллифнинг “айланма йўллари” орқали кашф этади. Масалан, Абдураҳмон Акбарнинг “Танбех” [7] номли шеърида реципиент танбех концептини имплецит тарзда англайди.

Ўсиб эл хизматида

Бўламан деган одам,

Қадрламоги керак

Ўзгалар меҳнатин ҳам.

Ижод эса ўйинмас

Ёки кўнгил эрмаги.

Ҳақ деб ёнмоги лозим

Мусаввирнинг юраги.

Гап нима ҳақдалигин

Тушунгандирсан, Асом?

Партага чизганлардан

Ҳеч вақт чиқмаган рассом!

Ўқувчи юқоридаги матнни мутолаа қилиш жараёнида бир вақтнинг ўзида ҳам ташқи, вербал тузилишда ифодаланган ахборотни, ҳам ички, семантик тузилишда ифодаланган ахборотни қабул қилиши ва уларни ўзаро қиёслаб, матндаги концептуал мазмунни англаб етиши лозим бўлади.

Адабиётлар:

1. Кубрякова Е.С. Номинативный аспект речевой деятельности. – М.: Наука, 1986.
2. Хоанг Ф.Э. Семантика высказывания // Новое в зарубежной лингвистике. Вып. XXIV. Компьютерная лингвистика. – М.: Прогресс, 1985.
3. Йўлдошев М. Бадий матн лингвопоэтикаси. – Т.: Фан, 2008.
4. Жмуров В.А. Большая энциклопедия по психиатрии. 2-е изд. – М.: Джангар, 2012.
5. Виготский Л.С. Избранные психологические исследования. – М., 1956.
6. Обиджон А. Сайланма. – Т.: Akademnashr, 2017.
7. Акбар А. Уйқучининг тушлари. – Т.: Шарқ, 2006.
8. Молчанова Г.Г. Семантика художественного текста. – Т.: Фан, 1988.
9. Юлдашева Д.М. Использование зоонимов в колыбельной песне - «Алла», как аспект этнолингвистики. Актуальные проблемы гуманитарных и ..., 2013 - elibrary.ru

(Тақризчи: А.Мамажонов – филология фанлари доктори, профессор).